


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё,  
нефтекимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислигининг малака  
талаблари

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- «Ximavtomatika» МЧЖ ҚК.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202<sub>1</sub> йил «24» 08 даги 4 -сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202<sub>1</sub> йил «26» 08 даги 365 -сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

	бет
T/p	
1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи .....	4
1.1. Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислиги малака талабарининг кўлланилиши .....	4
1.1.2. Малака талабарининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи .....	4
1.2.1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....	4
1.2.2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари .....	5
1.2.3. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари .....	5
1.2.4. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари .....	5
2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	9
Келишув вараги.....	10

**1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислиги малака талабларининг қўлланилиши.**

Малака талаблари 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув-услубий бошқарма (бўлим) бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаширишни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлашириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) – муҳандислик иши соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида; илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ва муассаса ташкилотлари; кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат, нефть ва газни қайта ишлаш, курилиш, металлургия, машинасозлик, ёқилғи-энергетика ва шу каби саноатлардаги турли хил

технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларнинг автоматлаштирилган бошқариш тизимларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва созлаш, улардан фойдаланиш билан шуғилланувчи барча саноат корхоналари ва бизнес ташкилотлари мажмuinи қамраб олади.

**1.2.2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- фанлар академияси ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юргларининг илмий-тадқиқот бўлимлари;
- назорат ўлчаш асбоблари ва автоматикаси ҳамда уларнинг эксплуатацияси бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар колледжлари ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- турли саноат ишлаб чиқаришига таалукли технологик жараёнлари ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштирилган тизимлари мавжуд корхоналар;
- технологик жараёнлари ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштиришни тадқиқ этиш ва такомиллаштириш, уларни ишлатишнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтлари;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга оид намунавий топширикларни ечиш алгоритмлари;
- назорат ўлчаш асбобларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва созлаш, улардан фойдаланиш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш жараёнлари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари;
- давлат ва нодавлат ишлаб чиқариш корхоналари бошқарув органлари;
- турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишлаб чиқариш бошқаруви фаолияти.

**1.2.3. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик-технологик;
- ишлаб чиқариши-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- консалтинг хизмати фаолияти.

**1.2.4. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

– илмий адабиётлар ва интернет тармоғыда энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидағи мағлумотларни мақсадда йұналған ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, үтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

– мос мутахассислик мавзуси бүйіча илмий лойихаларни ишлаб чиқиши, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши;

– олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бүйіча педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;

– ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини үтказиши;

– электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мұккаммал ўзлаштириши;

– педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориши.

#### **Лойихавий-конструкторлик-технологик фаолиятида:**

– илмий ва лойихавий-конструкторлик-технологик фаолият муаммоларини чукур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

– илмий-амалий лойихалар бизнес-режаларини ишлаб чиқиши ва оптималлаштириши.

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бүйіча мағлумотларни қайта ишлеш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориши;

– фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбик этиши;

– иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

– амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш мұхитини такомиллаштириши;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари фаолиятини ташкил этишда оператор-диспетчерлик, мұхандислик, цех бошлиғи ва шу каби вазифаларини бажариш;

– технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни бошқаришда замонавий технологияларни қўллаш;

– амалий фаолиятда замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва коммуникацион воситалардан фойдаланиши;

– қасбий этика қоидаларига риоя қилиши.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиши;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиши;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиши, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириши, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит мухофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиши;

- лойихаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиха командасини бошқариш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишини ташкил қилиши ва корпоратив мағлумотлар базасини ривожлантириши.

#### **Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- мутахассислик бўйича технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириш соҳасида мавжуд холатнинг аналитик шархини ишлаб чиқиш;
- мутахассисликка мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- мутахассисликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

**2. 70711401 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши (кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноати) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқикот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқикотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишини билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини аппаратларини технологик кулайлик нуқтаи-назаридан ишлаб чиқишни илмий асосларини;
- маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини бошқариш;
- маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизимини жорий қилиш;

- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг сифатини ишлаб чиқариш босқичида бошқариш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришда маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларини оптималлаштириш;
- технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш тизимлари унумдорлиги ва самародорлигини таъминлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши.

ҲАҚИҚАТЛАР

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, кредит-модуль, таълим мутахассислиги, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистрантнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (магистрант дастури), профил, ўкув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиха-кидирув, педагогик, амалиёт, стажировка, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, сифат назорати, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўкув фанлари блоки, таълим жараёни, кадрлар сифати, юклама ҳажми, илмий-тадқиқот фаолияти, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш, автоматлаштирилган бошқариш тизимлари, назорат-ўлчаш асбоблари, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, замонавий ўлчаш асбоблари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда  
кадрлар истеъмолчилари  
**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ислом Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети


Ректор  С.М. Турабджанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ү.



“Ximavtomatika” МЧЖ ҚК

Бош директор  Ф.Т.Адилов

2021 йил « 24 » 08



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент кимё-технология институти

Директор в.б.  М.Х.Эсанов

2021 йил « 26 » 05



Ректор  Б.Ш.Усмонов

2021 йил « 26 » 05

М.Ү.

“Ўзқимёсаноат” АЖ

Бошқарув Раисининг ўринбосари  Е.В.Коржиков

2021 йил « 26 »

М.Ү.

